



УШБУ СОНДА:

БУЮМ БОЗОРЛАРИ, ХУСУСИЙ БОҒЧАЛАР

ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолиятига рухсат берилди

Даштга сув чиқарилди, узумзорлар яратилди

2 БЕТ

Эҳтиёжманд оилалар эъзоз ва эътиборда

ТЕСТ синовлари **ҚАЧОН** бўлади?

ОЙИГА 26 ТОННА ПАРҲЕЗБОП ГЎШТ

3 БЕТ

ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

4 БЕТ



Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Илми дилга жо қилишга тириш, Билиб ол-да, сўнгра чин ишга кириш. Абдурахмон ЖОМНИЙ.

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

@farhaqiqat.uz

@farhaqiqati

2020 йил 5 август, чоршанба № 56 (24445)



ҲАВЗА СУВ СПОРТИ МАСКАНИГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Узунлиги 280 метр бўлган ҳавза аслида сув спорт турлари билан шуғулланиш учун қулай. Қолаверса, у шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган. Ёнидан Марғилонсой оқиб ўтади. Дарахтзор, соя-салқин хиебон ҳам унга туташ.

Машқ қилган, катта ҳавзага ўтишлари мумкин бўлади. Шуҳрат Фаниев шу ерда шаҳар ҳокими Ҳамиджон Ҳабибидинов ва бошқа мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.



— Бетон остида сув кетиб қоладиган "кўз" борлиги учун бу ер мана 6 йилдирки тўлдирилмади. Аниқроғи, сув билан тўлдиришни иложи йўқ, — дейди вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Муроджон Дадабоев.

Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Фаниев Фарғона шаҳар марказидаги собиқ ёшлар сув ҳавзасини бориб кўрди

Марғилонсой Фарғона шаҳрининг яшил камари. Шунинг учун бундан бир неча йил аввал сой қирғоқларига декоратив тош қопланган. Икки ёнида эса югуриш, сайқ қилиш ва велосипедда юриш учун махсус йўлақлар қилинган эди. Соё ёнида жойлашган айрим ташкилотлар бу йўлақларга тегишли майдоннинг бир қисмини ноқонуний равишда ўзларининг ҳудудларига қўшиб девор билан ўраб олибдилар. Йўлакни эса ёввойи ўтлар босиб ётибди. Вилоят ҳокими Шуҳрат

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ АҲБОРОТ ХИЗМАТИ.

ҲОКИМ НЕГА ТҮННИ ТОНГГА УЛАДИ?

1 АВГУСТ. Кеч соат 22:30. Фарғона вилоят ҳокими тегишли ўринбосари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи билан ҳеч кимни аввалдан огоҳлантирмай "Тез ёрдам 103" хизмати станциялари ва шохобчалари томон йўл олди. Вилоятда эса уларнинг сони икки юздан зиёд. Босиқлик, сабр-қаноат, ақл билан ўтарди ҳар бир учрашув ва мулоқотлар.



Тез ёрдам" ўз номи билан тезкор ишлайдиган бўлима. Телефон кўнғироқлари тинмайди. Радио карнайидан бригада-ларга топшириқ берилди. Улар маршрутни (чақириқ қоғозини шундай деб атайдилар) олиб, шоша-пиша йўлга чиқадилар. Фаниев кўли билан бизга эътибор қилмай ишлай-веринг, дегандек ишора қилади навбатчи қизга. У гўшакни кўяр-кўймай яна кўнғироқ.

— Истиқбол кўчасидаги 14-уйда 7 ёшли болада тана ҳарорати кўтарилган. 4-бригада, маршрут варақасини олинг.

— Бугун шу пайтгача қанча чақириқ бўлди, улар қандай касаллар эди, уларнинг қанчаси тана ҳарорати кўтарилган бемор бўлган, ташхис натижаларига кўра қанчаси қаерга ётқизилди... Вилоят ҳокими тез тиббий ёрдам станцияси, унинг ҳар бир шохобчасида шу саволларни беради, таҳлил қиларди. Тиббиёт ходимларининг дам олиши, овқатланиши билан боғлиқ жойларни, тез ёрдам машиналари турар жойи, ёқлиғи таъминотиғача сўраб-сўриштирар эди.

Тан олиш керак, шаҳар туманлардаги марказий станциялар бинойидек, деярли барча талабаларга жавоб беради. Аммо уларнинг шохобчалари... Шуҳрат Фаниев Фарғонанинг Ермозор, Бешбола, Тўқимачи, Қирғили... кайи ўнлаб кишлоқ ва мавзела-ридаги шохобчаларни ўз кўзи билан кўриб ўрганди. Шу пайт бу ерда бўлган шифокор ва ҳамширалар билан очиқчасига сўхбатлашди. Тана ҳарорати ошиши билан боғлиқ ҳар бир чақириқ, беморнинг ташхиси, даволаш жараёнини эринмасдан сўраб-сўриштирди.

Маълум бўлишича, тана ҳарорати кўтарилган беморлар июль ойида 5 003 та бўлиб, ўртача кунлик 166 тани ташкил этади. Уларнинг 4 001 нафари (79,9%) 14 ёшгача бўлган болалар ҳисобига тўғри келмоқда. Болаларда тана ҳарорати кўтарилиши асосан совуқ сув ичиши, меваларни ва озик-овқат маҳсулотларини аралаштириб истеъмол қилишлари оқибатида учрайдиган ангина, тонзиллит, ларингит, диарея ва ошқозон-ичак йўлларидаги дисфункцион-нал бузилиш касалликларидан қайд этилган. Улардан 2 550 таси шаҳар ва туман марказий шифохона-ларининг бўлимларида стационар шароитда, 1451 нафари амбулатор шароитда тўлиқ даво муолажалари-ни қабул қилиб соғайиб чиққан. Тана ҳарорати



кўтарилган беморлар таҳлил қилинганда, болалар ўртасида коронавирус инфекциясига гумон ҳолатлари кузатилмаган.

Мазкур беморлардан 1002 нафари катталарни таш-кил этиб, уларнинг тана ҳароратлари асосан нафас тизими сурункали касалликлари хуружи, ошқозон-ичак йўллари функцияси бузилиши натижасида кузатилган. Эпидемиологик анамнез касалликларидан коронавирус-га гумон қилиниб, 302 та ҳолатда ПЗР таҳлиллари учун тест синамалари олинди, барча ҳолатларда манфий натижалар кузатилган.

Ҳоким 31 июль кунги манфий натижалар кузатилган маълумотга алоҳида эътибор қаратди ва мутахассис-лардан нега айнан шу кунни тана ҳарорати кўтарилиши билан боғлиқ чақириқлар сони ошиб кетган, дея саволни кўнданган кўйди.

02

Кун жараёни

Меҳр улашиб...

Инсон табиати шундайки, унинг руҳини бардам қиладиган аввало маънавият, атрофидагиларнинг меҳри. Бугунги шароитда ана шундай руҳий қўллаб-қувватлашга энг муҳтож инсонлар — булар аввало якка-ёлғиз қариялар, етимлар, ногиронлар...

Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Фаниев дастлаб Фарғона шаҳридаги "Мурувват уйи"да бўлди. Бино мукаммал лойиҳа асосида қурилган, болаларнинг яшashi учун барча қулайликлар муҳайё. Ҳовли саранжом-саришта. Ноёб дарахт ва гулларга бурканган. Ям-яшил майдонда эса ногирон болажонлар турли спорт турлари билан шуғулланар эди.

Ҳоким муассаса раҳбарларига эътироз билдирди.

— Ногиронлиги бўлган болаларда касалликка қарши курашиш иммунитетини заиф бўлади. Нега уларнинг ҳеч бирида ниқоб йўқ? Бош врач ер чизиб қолди.

Шундай бўлса-да, ижтимоий масофага риоя қилган ҳолда Шуҳрат Фаниев болалар билан уларнинг "тили"да самимий сўхбатлашди.

Ёшлари бир жойга бориб қолган ёлғиз кексалар яшайдиган "Саховат уйи" навбатдаги манзил бўлди.

— Бу ерда 141 нафар қариялар бор. Шароитларимиз жуда яхши. Давлат таъминоти барча эҳтиёжимизни қоплайди, қолаверса, саховатпеша инсонларнинг оёғи узилмайди, — дейди бош врач ўринбосари.

Ҳоким ҳар бир ходим-шифокордан ошпазгача учрашди, иш ўринларини кўрди, улар билан касби нуқтаи назаридан сўхбатлашиб, "имтиҳондан" ўтказди.

Ёлғиз отахону онахонлар билан мулоқот қилди. Уларга малҳам сўзлар топиб, қувват бўла олди.

— Шуҳратжон болам, телевизордан кузатамиз сизни, ҳеч тинмайсиз, Оллоҳ куч-қувват берсин, — деди уларнинг бири дуога кўл очиб. — Бизни йўқлаб келганингиз учун раҳмат.

Вилоят ҳокими бу ерда ҳам карантин қоидаларидан чекиншиш бўлаётгани учун муассаса раҳбариятига жиддий танбех берди.

41 нафар тарбияланувчи бўлган "Болалар уйи"га таш-риф ҳаяжонли дақиқалар билан бошланди. 3-7 ёшли қизига ниқоб тақиб, ҳовлидаги айвонда машғулот ўтаётган болакайлар юрганича Шуҳрат Фаниевга талпиндилар. Уларнинг бири кўйиб, бири нималардир дерди. Бола-лардан масофаланган ҳоким қизалоқларнинг Ватан ҳақидаги шеърларини тинглади.

— "Болалар уйи" тарбия-ланувчилари вилоятимиз раҳбарини таниб олишган. Чунки улар бу ерга вақт топиб келиб турадилар, — дейди му-ассаса раҳбари Фаридохон Хол-дорова. — Ҳар гал болажонлар-га совға-салом олиб келишади. Бу гал маъмуриятимиз бино-сини таъмирлаш ва богимизни сўғоришда сув таъминотини йўлга қўядиган масъулларни олиб келибдилар.

— Яна қандай масалалар, муаммолар бўлса барчасини ҳал қиламиз, — деди ҳоким хайрлашаётиб.

Дунё ташвишларидан йироқ бўлган болажонлар уларга меҳр улашган инсонда яқинларидан кутган хисларни туйдилар.

Нарғиза ТОШМАТОВА.

Фарғона — Туркия: Ҳамкорлик келишувлари

Фарғона вилояти делегацияси Туркия Республикасига амалий ташриф буюрди



Президентимиз жорий йилнинг 5-6 июнь кунлари вилоятимизга амалий ташри-фи чоғида ишлаб чиқариш тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, сифатли ва рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми, эк-спорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш борасида берган йўл-йўриқ ва кўрсатмалари вилоятимиз саноат ҳақиқатини ошириш, тадбиркорлик, туризм, илм-фан, кишлоқ ҳўжалиғи маҳсулотлари етиштириш ва сотиш борасидаги иш қўламлигини янги босқичга олиб чиқди.

Туркия Республикаси ишбилармонлар дои-расида Анқарада бўлиб ўтган амалий мулоқот ҳар жиҳатдан самарали тақлиф-ларга бой бўлди. Унда савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, экспорт ҳажмини ошириш, инвестицион ҳамкорликни ривож-лантириш, ҳудудлар ўртасидаги товар айланмасини икки бараварга кўпайтириш, Фарғона вилояти ҳамда Бурса вилоятлари ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатиш юзасидан музокаралар олиб борилди, сама-рали келишувларга эришилди.

02

Ҳоким нега тунни тонгга улади?

10 — Агар 30 июль куни 3635 та чақирувнинг 152 тасида тана ҳарорати ошган бўлса, 31 июль куни чақирувлар сони 4504 тага кўпайган ва иситмалаганлар 203 нафарни ташкил этган, — деди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Одилжон Умаров. — 203 та тана ҳарорати кўтарилган беморларнинг 140 таси болалар ва 63 та катталарни ташкил қилади. 140 та тана ҳарорати кўтарилган беморларда асосан 18 та ангина, 22 та тонзиллит, 24 та ларингит, 10 та фарингит, 26 та ларинготрахеит ва 40 та ошқозон-ичак дисфункционал бузилиши ва диарея кузатилади. 63 та катта ёшдаги беморларда эса 33 та ҳолатда юқори нафас йўллари яллиғланиши, 30 та ҳолатда ошқозон-ичак йўллари дисфункционал бузилишлари рўй берган.

Айнан 31 июлда чақирувлар сонининг орттиши сабаблардан бири Курбон ҳайити муносабати билан қишлоқ врачлик пунктлари, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникалари фаолият кўрсатмаганиги, карантин қоидаларининг қучайиши натижасида транспорт воситаларининг ҳаракатланиши чекланганиги билан боғлиқлиқда эди.

Бу рақамларни яна бошқача таърифлаш ҳам мумкин. Яъни, тез тиббий ёрдам чақирувлари сонининг ошиши аҳоли орасида уз соғлиғига эътибор охиб бораётганлиги, айниқса, тана ҳарорати кўтариллиши билан боғлиқ ҳолатларда зудлик билан врач маслаҳатига мурожаат қилишлари, бирламчи тиббий санитария тизимида касалликларни эрта аниқлашга қаратилган

чора-тадбирларнинг ижроси деган хулоса қилиш мумкин. Беморларда дастлабки касаллик симптомлари қанчалик эрта аниқланса, уни даволаш шунчалик осон ва асоратсиз кечади.

Шу тунда Фарғона, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, Кува, Тошлоқ, Олтиариқ ... каби туманлардаги марказий тез ёрдам станциялари ва унинг жойлардаги шохбачалари иш фаолияти ўрганилди.

Ҳар ҳар-ҳар ерда ҳоким ён дафтarchасига нималарнидир ёзар, тизим раҳбарларига маъноли қараб кўяр эди.

Адашмасак, Олтиариқдаги Файзобод қишлоғида тез ёрдам шохбачасидан чиқаётганида аллақайси хонадондан ҳўрознинг қичқирғи эшитилди. Қўёшнинг шафқлари орасидан қучсиз нури тарала бошлади.

— Сизлар уйингизга қайтинг ва дам олинг, — деди Шуҳрат Фаниев. — Уртқоқ Умаров сиз тез тиббий ёрдам тизимидаги шохбачаларни таъмирлаш, шифокорларга қўшимча шароит яратиш бўйича тақлиф қилдингиз. Керагича пул топиб берамиз.

Ҳоким машинасига ўтирди (дарвоқе, у туни билан машинани ўзи бошқарди).

— Хайрият, чақирувлардаги тана ҳарорати кўтариллишининг кўпайиши бошқа касаллик билан боғлиқ экан. — У шундай дедию, бироз енгил тортгандек кулиб ҳам кўйдди. Кейин машинани фазилатганча ҳокимият томон ҳайдаб кетди.

Тунни тонгга улаган вилоят ҳокимиға ҳамроҳлик қилганлар "кутилмаган таширфлар" сабабини энди тушуниб етгандилар.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

МАЪЛУМОТ УЧУН:

Фарғона вилояти тез тиббий ёрдам хизматида жами 19 станция, 11 подстанция ва 171 та шохбача мавжуд.

Вилоят тез тиббий ёрдам хизматида санитар автомашина сони жами 307 тани ташкил қилиб, санитар автомашиналардан 26 таси тўлиқ реанимацион аппаратуралар билан жиҳозланган.

Шунингдек, вилоят аҳолисига пандемия вақтида малакали шошилинч ёрдам кўрсатиш, шифокорлар ўртасида касалланишнинг олдини олиш, касалликни бошқа беморларга юқишининг олдини олиш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан 20 та янги "Дамас" русумли тез тиббий ёрдам машиналари сотиб олинди, ҳар бир шаҳар-туманлардаги мобил эпидемиологик гуруҳлар учун алоҳида ажратиб берилди.

Тез тиббий ёрдам тизимида 1 777 нафар врачлар фаолият кўрсатаётган бўлса, ўрта тиббий ходимлар штат бирлиги 2 978 нафарни ташкил этмоқда.

Вилоят аҳолисига пандемия даврида малакали шошилинч ёрдам кўрсатиш мақсадида 30 та махсус бригада ташкил этилган.

Шу сонга хабарлар

Олтиариқ туманидаги қишлоқ хўжалиғига яроқсиз, қир-адир ва дашт ерлардан 150 гектар ажратилиб, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан илгари Россияда ишлаган собиқ меҳнат муҳожирларига бўлиб берилди. Биринчи босқичда 200 нафар ёшлар 20-30 сотихдан ер олиб енгил услубдаги иссиқхона қурдилар. Дастлаб помидор кўчатлари экилди. Уша кунлари вилоят ҳокимлиги ажратган маблағга учта ер ости сув қудуғи қазиб, ишга туширилди.



Даштга сув чиқарилди, узумзорлар яратилди



Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Фаниев бугун ана шу майдонларда олиб борилаётган ишлар ва иссиқхоналар фаолияти билан танишди.

— Биринчи ҳосил мўл бўлди, — дейди Мавсум Умаров. — Ҳар биримиз бир сотихдан 2 миллион сўмлик, жами 40-60 миллион сўмликдан помидор сотдик. Бу-

сўритоклар қилинган, ҳали калтаги ишқомга етмаган кўчатлар орасига эса дуккакли экинлар экилган эди.

— Узум вояга етгунча мош, ловия, ерөнғоқ экканмиз оралиққа, — дейди Фофур Содиков.

У коронавирус пандемияси туфайли Россияга кета олмаганини, лекин бунинг учун афсусда эмаслигини айтиди ҳокимга.

— Менга 20 сотих ер берилди. Ўзлаштирдим. Мана, сўритоклар ҳам тайёр. Бугун эса сув қудуғи ишга тушди, — деди у ҳокимга.

Бир неча дақиқада қўшни ерларда ишлаётган ёшлар ҳам етиб келишди.

— Ҳоким бува, илтимос, сув насосини биринчи сиз ишлатиб беринг. Эсдалик бўлиб қолсин.

Шуҳрат Фаниев ёшлар илтимосини рад этмади.

Тугмача босилди. Қувурдан (400 метр ер остидан) бир арик сув шарқиларилди. Томчилятиб сугориш услубини йўлга қўйдик.

Пайкалларда бодиринглар қаторлаган аскардек тизилиб етибди.

Вилоят ҳокими тоғ этакларига туташ адирларда барпо қилинган янги узумзорларни бориб кўрди. Олтиариқнинг анъанавий услубида

Риштонда "Дўстлик уйи" куриб битказилди



Ўзбек ва тожик қадимдан оға-ини, қавм-қариндош. Орзу-умидлари ҳамроҳанг. Икки халқ дўстлигининг энг ёрқин ифодаси Алишер Навоий ҳазратлари ва Абдураҳмон Жомий ҳазратлари муносабатларида акс топан. Бугун ҳам бир мамлакат, бир маконда яшаётган ўзбек ва тожиклар панжа бармоқларидек бири-бирга қувват беради.

Фарғона вилояти ҳокими Шуҳрат Фаниев Риштонда курилиши тугалланган ўзбек-тожик "Дўстлик уйи" билан танишди.

Шарқона услубдаги ёғоч уймакорлигининг энг гузал намуналари бўлган устун ва шифтлар, нафис чизгилар ила жило берилган ганчдворлар, осмоний ранглари ифодаловчи сопол қошинлар... "Дўстлик уйи" аслида икки халқнинг энг сара устоздалари яратган ноёб санъат асаридеса бўлади.

Вилоят ҳокими меҳнат фахрийси Турсинхўжа Абдураҳмонов билан бинони бир-бир айланиб чиқдилар. Уста ва устоздалар, туман раҳбарлари билан қурилиш тарихи, услуби ҳақида мунозаралар қилдилар. Ўзбек-тожик "Дўстлик уйи" иш фаолияти режасига тақлифлар киритилди.

— Бу ер мушоиралар, учрашувлар, маърифий суҳбатлар ўтказиладиган маънавият марказига айланиши лозим, — деди

Шуҳрат Фаниев. — Мана қаранг, катта зал шифтида тўрт фасл уймакорлик санъати ёғоч ва рангларда ифодаланган. Демак, Ўзбек-тожик миллатига мансуб фуқароларимизнинг ҳаёти, фаолияти ҳам шу тўрт фасл чархалағи каби боқийдир.

— Биз, Риштон туманида яшайдиган миллати тожик бўлган Ўзбекистон фуқароларига бу каби алоҳида имконият ва

фамхўрлик учун Президентимизга чексиз миннатдорчилик билдираимиз, — деди Турсинхўжа ота қўли тилакларини ихор қилди.

Шундан сўнг барча учун қутулмаган воқеа содир бўлди. Вилоят ҳокими Шуҳрат Фаниев ва Ўзбек-тожик дўстлик маркази фаоли Турсинхўжа Абдураҳмоновлар икки тилда Навоий ва Жомий ғазалларини шире шарҳ услубида ўқиб, шеърхонлики бошлаб бердилар.

"Дўстлик уйи" эзгу туйғулар уйига айланиши томон биринчи қадам қўйган эди, улари.

Хабардормисиз?

БУЮМ БОЗОРЛАРИ, ХУСУСИЙ БОҒЧАЛАР

ва бошқа бир қатор ташкилотлар фаолиятига рухсат берилди

3 август кунидан бошлаб вилоят ҳудуддаги хусусий мактабгача таълим ташкилотлари, буюм ва чорва моллари бозорлари, қурилиш маҳсулотлари савдо мажмуалари ҳамда сартарошхона, гузаллик салонлари фаолиятига рухсат берилди.



ҳамда дезинфекцион тоннеллар билан жиҳозлаш кабиларга эътибор қаратиши лозим.

Шунингдек, ходимлар тиббий никоб ва тиббий кўлқоплардан фойдаланиши ва ижтимоий масофани сақлаши;

тана ҳарорати 37° С ва ундан юқори бўлган ёки инфекция аломатлари мавжуд бўлган ходим ва тарбияланувчиларни маъмулотларга киритмаслик чораларини кўриш талаб этилади.

Барча буюм ва чорва моллари бозорлари, қурилиш маҳсулотлари савдо мажмуалари ҳафтанинг дусанба кунидан жума кунига қадар бўлган даврда фаолият олиб боради. Мазкур ҳудудларда доимий равишда санитария-дезинфекция ишларини амалга ошириш, санитария ва гигиена қоидаларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш белгилаб қўйилди.

Сартарошхона ва гузаллик салонларида хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан шахсий ҳимоя воситалари — тиббий халат ёки комбинезон, тиббий никоб, юзни тўлиқ тўсайдиган ҳимоя маскаси ва тиббий кўлқопдан фойдаланган ҳолда "1 та мижоз" курсатувчи шахс — 1 та мижоз" тамойили асосида ижтимоий масофани сақлаш талаб этилади.



этилади.

Вилоят ички ишлар бошқармаси, Миллий гвардия, вилоят санитария-эпидемиологик осойишталик маркази, Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси билан биргаликда белгиланган карантин талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатади ҳамда мазкур қоидаларни бузган шахсларга нисбатан белгиланган тартибда амалдаги қонунчиликка мувофиқ чоралар қўлланилишини таъминлайди.

Фарғона – Туркия: Ҳамкорлик келишувлари



Фарғона вилояти делегацияси Туркия Республикасига амалий ташриф буюрди

10 Хусусан, Туркия Олий Мажлиси депутати, режа ва бюджет комиссияси раиси Лутфи Элван, Олий Мажлис депутати Жевдет Йилмаз, Бурса вилояти ҳокими ўринбосари Ахмет Қарақая ва Бурса Улуғдоғ университети проректори, доктор Ифран Кириштиўғли билан учрашув ўтказилди. Самимий мулоқотда кўхна Марғилон шаҳрида Бурса Улуғдоғ университети филиалини очиб масаласи муҳокама қилинди.

Бурса вилояти ҳокими ўринбосари билан бўлган учрашувда пандемия шароитида ҳам икки томонлама ҳамкорлик муносабатларида узлишларга йўл қўймаслик, икки ҳудуд бошқарма ва ташкилотлари айниқса, савдо-саноат палаталари ва қишлоқ хўжалиғи бошқармалари ўртасида институционал ҳамкорликни видео конференциялар шаклида давом эттириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Мақка, бугдой, арпа урғуччилиги билан шуғулланувчи "TI-NA Global" корхонаси билан олий навли ва элита уруғларини етиштириш борасида фикрлар алмашилди.



Қурувчилик соҳасида фаолият юритувчи "INCO & NRG" ҳамда "Yeshil Chizgi" фирмалари билан арзон ва сифатли турар ва нотурар бино-иншоотларни қуриш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Туркиянинг Манас компанияси билан Фарғона вилояти ҳамда Туркия шаҳарлари, хусусан,

режалаштирилган Бурса Улуғдоғ университети ҳужжатларини расмийлаштиришни тезлаштириш мавзуси атрофида муҳокама қилинди.

Туркия ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги раҳбари Серкан Қаялар билан бўлиб ўтган учрашувда вилоятда ижтимоий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш, фермер хўжалиқлари раҳбарлари малакасини оширадиган таълим марказини ташкил этиш, боғ ва сабзавотчилик йўналишида иш олиб бораётган фермерларни Туркияда малака ўқувини ташкил этиш, ҳўнармандчиликни ривожлантириш каби долзарб масалалар хусусида ҳамкорлик ишларини тизимли олиб бориш, қудоллар юрти Риштонда ташкил этилаётган ҳўнармандчилик маркази яқинида жойлашган макбарани таъмирлашда Туркия ҳамкорлик ва ривожланиш агентлигининг иштирок этишига келишиб олинди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ҳамда савдо-саноат палатаси Бош секретари Адем Кула билан ўтказилган учрашувда Фарғона вилоятига турк инвесторларини тўғридан-тўғри жалб қилиш масалаларига эътибор қаратилди. Истанбуллик тадбиркор Хусамеддин Сабри билан бўлган учрашувда Фарғона вилоятига 2 млн. АҚШ доллар ҳажмидаги инвестиция киритиб, ун ва ун маҳсулотлари ишлаб

чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича дастлабки келишувга эришилди.

Ўзбекистон туманидаги "Шўрвус цемент" МЧЖ билан Туркиянинг Balci Nutridin компанияси ўртасида инновацион усулда қурилиш материалларини ишлаб чиқиш бўйича 50 млн. АҚШ долларлик инвестицион ҳамда Қўқон шаҳридаги "Indogama Kokand Textile" АЖ ҚҚ билан Туркиянинг Kaviteks Teknik Tekstil Danismanlik San Ltd.STI билан пахта толаси ва газлама маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қиймати 22 млн. АҚШ долларлик экспорт келишувлари сингари 39 та битимларга эришилди.

Туркия ва фарғоналик ишбилармонлар ўртасида бўлиб ўтган учрашувларда умумий қиймати 71,55 млн. АҚШ долларлик инвестицион ҳамда 170,1 млн. АҚШ долларлик экспорт келишувларга эришилди.

Учрашувда турк фирмалариға мамлакатимизда ишбилармонларга, айниқса, хорихлик инвесторлар учун яратиб берилган имтиёз, имкониятлар ҳақида тўлақонли ахборот берилди.

М. АБДУРАҲМОНОВ, Фарғона вилоят ҳокими ўринбосари.

Эҳтиёжманд оилалар эъзоз ва эътиборда

Кўзимда ёш билан дуодаман

70 ёшда бўлсам-да, меҳнат қилиш ва фаол ҳаракатдан асло тўхтаганим йўқ. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида катта ҳаётини тажрибам бор. Шу боис бугунги кунда ҳам иккита ўғлим бошқариётган фермер ҳўжалиқлари ишларига ўзим бош-қош бўламан. Шифохонада ётиб ҳам пахта парвариши бўйича ўғилларимга наслаҳатлар бериб турибман.

Яқинда жуда зарур юмуш билан пойтахтга бориб, коронавирус юқтириб олдим. Қарийб ўн кундан буён Риштон туманидаги вилоят 2-юқумли касалликлар шифохонасида даволаняпман. Маъруфхўжа Тўрусхўжаев раҳбарлигидаги шифокорлар ва ҳамшираларга катта раҳмат. Малакали тиббий муолажалар, кунига 4 маҳал мазали овқатлар туфайли дардан тез тuzалаяпман. Вирус туфайли чеккан азобларим унутилиб, яна яшашга бўлган иштиёқим кўзайди.

Утган қисқа фурсатда ушбу шифохонани ташкил этиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар олиб келишга маҳаллий бюджетдан катта маблағ ажратган вилоят ҳокими Шўхрат Ғаниевич кўзимда ёш билан дуо қиляпман. Нуронийлар дуси албатта ижобат бўлади. Биз кексалар туну кун юртимиздан ушбу бало тезроқ кетиши учун дуодамиз.

Абдураҳмон АБДУЛАЗИЗОВ, меҳнат фахрийси.

Бемор одамнинг кўнгли ярим бўлади. Турмуш ўртоғим иккимиз II гуруҳ ногиронимиз. Кўзимизнинг оқу қораси, қаринда топган ёлғиз ўғлимиз бор.

Энди кўнглимиз ярим эмас!

Турмуш ўртоғим кун бўйи кўча эшигига термулиб ётади. Касал одам меҳмонга зор бўлиб қолар экан. Ҳамиша яхши инсонларнинг ташрифидан кўнглимиз яйраб кетади. Хайит байрами бизга ана шундай хурсандчилик улашди. Шаҳар ҳокими бошчилигида секторлар раҳбарлари хонадонимизга ташриф буюришди. 1 миллион сўм нақд пул, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини Президент совғаси сифатида топширишди. Бундан жуда ҳам қувониб, дардларимиз унутилди. Қалбимизда яшашга бўлган иштиёқ кучайди.

Фарзандимиз яқинда 20 ёшга тўлди. Насиб этса, Ботиржонни уйлантириш, яхши келин олиш орузидамиз. Чунки халқимиз, Юртбошимиз бизни ёлғизлатиб қўймаслигига ишонамиз.

Эзулганим йўли узун, дейди доно халқимиз. Ана шу йўлдаги хайри ишларга асло кўз тегмасин. Биз эзу дуолариниз орқали юртимизга тинчлик-осойишталик, Президентимизга узоқ умр тилашдан ҳеч қачон чарчамаймиз.

Робия БОЛТАБОВА, Қувасой шаҳри, "Ёшлик" МФЙ, А. Азизов кўчаси, 223-уй, 31-хонадон.

Газетхон савол беради

ТЕСТ синовлари ҚАЧОН бўлади?

САВОЛ: — Бу йил олий ўқув юртиларига кириш учун тест синовлари қандай тартибда ўтказилади?
Муҳаммадмин НАЗИРОВ, Риштон тумани.

ЖАВОБ: — Жаҳон ҳамжамияти коронавирус пандемиясини бошидан кечираётган шароитда, албатта, мамлакатимиздаги олий ўқув юртиларига кириш учун ҳужжатларини топширган абитуриентларни ва уларнинг ота-оналарини тест синовлари қандай тартибда ўтказилиши қизиқтиради.

Тест синовлари Фаргона вилояти бўйича Фаргона шаҳар марказида жойлашган, карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда махсус тайёрланган катта сифимли бино-иншоотларда ўтказилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг 2020 йил 19 июндаги 1-сонли баёғига асосан санитария нормалари талабларидан келиб чиқиб, кириш тест синовлари кунлари абитуриентларнинг ота-оналари ва уларнинг яқинлари учун тўпланиш жойлари ташкил этилмайди. Аксинча, тест синовлари жаҳонларини махсус ташкил этилган телеканаллар ҳамда test2020.uz веб-сайти орқали кузатиш мумкин.

Тест синовлари ўтказиладиган ҳудудларнинг кириш жойларида дезинфекция йўлақлари ўрнатилади ва абитуриентлар тиббий ниқоб, резина қўлқоп билан таъминланади, улар махсус тиббий қуриқдан ўтади, тана ҳарорати ўлчаниб, тегишли бинога киритилади.

Тана ҳарорати 37° С дан юқори ва касаллик аломатлари аниқланган абитуриентлар махсус комиссия хушасига кўра тест синовларига киритилмаслиги, санитария эпидемиология ва осоийшгалик маркази тиббий текширувидан ўтказилиши ҳамда коронавирус касаллиги аниқланмаганлар учун республика бўйича тест синовлари тўлиқ яқунланганидан сўнг тўртинчи кунни тест синовлари ташкил этилиши белгиланган.

АНИҚ МУДДАТ белгилангани йўқ

САВОЛ: — Тест синовлари ўтказиш санаси қачон маълум бўлади, "Абитуриент руҳсатномаси"ни қандай тартибда оламиз?

Шоҳсанам МАДГОЗИЕВА, Фаргона шаҳри.

ЖАВОБ: — Ҳозирги кунда абитуриентлар томонидан Давлат тест марказига "Абитуриент руҳсатномаси"ни олиш бўйича қўлаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Маълумки, абитуриентларга олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга кириш тест синовларида иштирок этиш учун "Абитуриент руҳсатномаси" тақдим этилади. Унда абитуриентнинг шахсий маълумотлари билан бирга, тест топшириш ҳудуди, тест топшириладиган санаси ва вақти, тест ўтказиладиган бино, тест топшириш сменаси ва гуруҳ рақами каби бир қатор маълумотлар акс этган бўлади.

Рухсатномани шакллантириш ва абитуриентларга етказиш учун тест синовларини ўтказиш мuddатлари белгиланган бўлиши керак.

Юртимизда карантин чекловлари давом этаётганлиги сабабли, олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига ўқишга кириш тест синовларини ўтказишнинг аниқ мuddатлари ҳали белгиланмади.

Тест синовларини ўтказиш мuddатлари эпидемиологик вазият барқарорлашгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланади.

Тест синовларини ўтказиш мuddатлари белгиланган, "Абитуриент руҳсатномаси" шакллантирилади ва абитуриентлар Давлат тест марказининг расмий веб-сайти (abitur.dtm.uz) орқали руҳсатномани юклар олишлари мумкин.

Тест синовларини ўтказиш мuddатлари Давлат тест марказининг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Саволларга Давлат тест марказининг Фаргона вилояти бўлими бош мутахассиси Ж. БАБАЖАНОВ жавоб берди.

ХАЛҚИМИЗГА ЧИНАКАМ ҲАЙИТЛИК, БАЙРАМ СУЮНЧИСИ БЎЛДИ

Миллий қадриятларимизга кўра, бундай мўтабар кунларда ёрдамга муҳтож, моддий томондан бироз қийналган инсонларга совғасаломлар улашиш эзгу анъанамизга айланган. Мухтарам Президентимизнинг Фармони асосида Ийд Қурбон ҳайити кунлари бундай эътибор ва рағбат кўрсатилиши халқимизга чинакам ҳайитлик, байрам суюнчиси бўлди. Вилоятдаги 20 мингга оилага файз, барака нури ёғилди.

Аслида халқ бошига иш тушганда Президентнинг ким эканлиги билинади. Биринчи кундан халқ манфаати, халқ розилигини барча нарсадан устун қўяётган Президентимизга бугун осон эмаслигини барчамиз яхши биламиз. Лекин қанчалик қийин бўлмасин, давлатимиз раҳбари юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир инсон ишқотлар самарасини эртага эмас, балки бугун ўз ҳаёти мисолида кўриши учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Фармон билан биргина Фаргона вилоятининг ўзида минглаб оилалар умид, ишонч туйғусидан баҳраманд бўлди. Пенсияерлар, ёш болали оилалар, ногиронлиги бор шахслар, "темир дафтар" рўйхатига киритилган оилалар, эҳ-хе, қалбига шоду хуррамлик кирган бундай ҳамюртларимизнинг сонини жуда кўпчилигини ташкил этади. Улар Президентимиздан чексиз миннатдор.

Табаррук 80 ёшдан қаршилаётган нуроний сифатида шу пайтгача давлат раҳбарининг ўз халқига бунчалик муруватлилиги, жонфидолигини кўрмаганман. Коронавирус пандемиясини тинч-осойишта ҳаётимизга қучли зарбалар ҳам берди. Шундай шароитда 12-15 фоизи камбағал сифатида эътироф этилган халқимиз вакилларини оғир синовлардан эсон-омон олиб чиқишининг ўзи бўлмайди. Коронавирус ўз йўлига, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, томорқа меҳнати, хунармандчилик ишларига ҳам беларво бўлмаслик керак.

Шу боис халқимиз бугун муғлабо бошқача фикрлайдиган бўлди. Халқнинг кўзи очилди. Асл мақсаддан чалғимаслик, кейинги беш, ўн, эллик йилларни кўзлаб, маррани баланд олиб яшаш учун бу жуда ҳам муҳим.

Халқимизга кўрсатилаётган муруват, ютуқларимиз бардавом бўлаверсин!

Топлов ХОЛДОРОВ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Фаргона вилоят бошқармаси бошлиги ўринбосари, сенатор.

Бу кунлар ўтар-кетар

Бу йилги Ийд Қурбон ҳайити эл учун чинакам кўнгли байрами бўлди. Ҳа, дийдорлар юракларининг дарчаларида бўй кўрсатди. Меҳроқибатни маёқ қилиб кўтарган эл тилагида кечди дийдор онлари.

К

арантин шароити сабаб ҳамма уйда қолган бўлса-да, халқимиз ўзининг олижаноб фазилатларини намояндалари. Баргикенглик, ҳаётсеварлик, поклик, озодалик, меҳнатга, яратувчанликка иштиёқ, эзгу-тадбирларга хайрихоҳлик туйғуларини юзлаб, минглаб инсонлар қалбига акс-садо берди.

Вилоятимиздаги 199 та расмий рўйхатдан ўтган масжидлар ҳудуди гарчанд ҳайит намозлари ўқилмасда, анъанамиз мувофиқ ободонлаштирилиб, чиқиндилардан тозаланибди. Хонақоҳлар дезинфекция қилиниб, барча гигиеник талаблар сифатли адо этилди. Муаззиннинг азон товуши эшитилганлар, дуо ва илтижолар билан қалбларга ҳаловат инди. Хонадонларнинг файзу баракаси бўлган, иссиқ-совуқ кунларни бошидан ўтказиб, сабр ва матонат тимсолига айланган ёши улуг табарруқларимиз кўллариини дуога очиб, юртга тинчлик-омонлик сўрадилар. Шарият аҳкомларига кўра закоти нисобга етган фуқаролар қурбонлик қилишга ошдиқилди.

— Қурбон ҳайити кунлари оиламизга меҳроқибат, саховат ва муруват нурлари ёғилиб кетди, бу айём моҳиятат дини, тили, миллатидан қатъи назар инсонпарварлиқни тараннум этади. Шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилот вакиллари Янги йўл маҳалласида яшовчи Олеся Чеснокованинг хонадонига совға-саломлар билан кириб беришганида аёл кўзларидидагиди севинч ёшларини яширолмади. Умр йўлдоши Вадим Чесноковнинг хахалиги уни ғам-қайғуга ҳам қўйганди. Айём кунларидидагиди йўқлов эса икки қалбни шодликка тўлдирди. Вадим ака учун дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари, пул маблағи...

— Машаққатни енгиш учун курашиш керак. Ҳаётнинг ҳар они ўзимизни зийрак ақл билан бошқаришни талаб этмоқда, — дейди шу маҳалла фуқароси

Турмуш ўртоғимнинг маҳзулик билан қилган дуоларидан беихтиёр тўқинланиб кетдим ва бу дуолар ижобат бўлишига чин дилдан ишондим.

Жорий йил июль ойида белгиланган карантин кунларида ҳеч бир кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлиги бор инсонлар меҳро-эътибордан четда қолмади, учта ногиронлик аравачаси, битта қўлтиқтаёқ, эшитиш мосламалари, "COVID-19" ёрлиғидидаги дори-дармонлар эҳтиёжмандларга етказиб берилди. Қашқарқишлоқ маҳалласидан Доноҳон Кўзиевага ногиронлик аравачаси тақдим этилганда ўқис кўнглида шодлик тантана қилди.

Бу биргина Фаргона шаҳар, "Нафосат" МФЙ нинг оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича раис қўринбосари Барноҳон Сулаймонованинг таъкидлари. Шаҳар бўйлаб байрам кунларида 5 мингдан зиёд оилалар ана шундай моддий ва маънавий рағбатдан баҳраманд бўлди. Ҳар бир маҳаллада қурбонлик тарқатилди. Ҳайит байрамининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу айём моҳиятат дини, тили, миллатидан қатъи назар инсонпарварлиқни тараннум этади. Шаҳар ҳокимлиги ва мутасадди ташкилот вакиллари Янги йўл маҳалласида яшовчи Олеся Чеснокованинг хонадонига совға-саломлар билан кириб беришганида аёл кўзларидидагиди севинч ёшларини яширолмади. Умр йўлдоши Вадим Чесноковнинг хахалиги уни ғам-қайғуга ҳам қўйганди. Айём кунларидидагиди йўқлов эса икки қалбни шодликка тўлдирди. Вадим ака учун дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари, пул маблағи...

— Машаққатни енгиш учун курашиш керак. Ҳаётнинг ҳар они ўзимизни зийрак ақл билан бошқаришни талаб этмоқда, — дейди шу маҳалла фуқароси

Дилфузаҳон Маҳмудова. — Бемор фарзандимнинг соғайиши, тенгқурлари орасида ўйнаб-қулиши учун шифокорлик фаолиятимни тўхтатишга қарор қилдим. Уйда қолиб нуридийдамнинг руҳиятини соғломлаштириш мақсадида қафасларга қушлар парваришлайман. Қўшларнинг сайроғи фарзандимга ўзгача завқ бағишлайди. Хонаки товуқ парвариши билан шуғулланаман.

— Одамларни рози қилиш, албатта уларнинг оруз-мақсадларини ҳам рўёбга чиқаради, — дейди вилоят оила ва маҳаллани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиги ўринбосари Комиллаҳон Кавлонова. — Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 июлдаги қарорининг пандемиясининг салбий таъсирини қайтаришга қаратилган Фармони, жорий йил 28 июль кунни ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 июлдаги Фармойишини ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда ижтимоий химояга муҳтож оилалар рўйхати шакллантирилди. Ҳозирда 11 минг 900 та хонадонда 1 млрд 394 млн. сўм маблағлар уйма-уй юриб тарқатилди.

Карантин кунларида эҳтиёжманд оилаларга эътибор бир зум тўхтагани йўқ. Вилоятдаги бир қатор бошқарма ва ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари томонидан рўйхат асосида хонадонларга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб кирилди.

Халқимиз табиатидаги эзгу-фазилатлар юрт бошига тушган синови кунларда одамларга руҳий мадад, ҳаётбахш таскин бераётгани хақиқат. Ҳар бир тонгни шукроналик билан қаршиларканми, эртанги ёруғ кунга умид ва ишонч кўнглиларига байрам сурурини муҳрлайди.

Маъмура АБДУРАҲИМОВА.

Паррандачилик

ОЙИГА 26 ТОННА ПАРҲЕЗБОП ҒЎШТ

Фермер ҳўжалигида тармоқ фаолиятини янада кенгайтириш, эндиликда нафақат ғўшт, балки жўжа олиш, туҳум етиштириш йўналишида истиқболли лойиҳалар ишга туширилмоқда.

— Янги лойиҳа ўзига хос қўлайликларга эга, — дейди фермер Аҳаджон Деҳқонов. — Ҳар ойда 100 минг бош жўжа етиштирилиб, парҳезбоп ғўшт ишлаб чиқариш ҳажми икки хиссага ошади. Шу мақсадда лаборатория ва инкубаториялар ташкил этиши, товуқ боқиш, сўйиш, бўлақларга ажратиш, қадоклаш ва экспортгача бўлган барча жараёнларни ўз ичига олган йирик лойиҳани амалга ошириш борасида иш олиб бораёғимиз.

Расулжон КАМОЛОВ, Шерзод ҚУРАБОВ олган суратлар.

Бағдод туманидаги "Унсун ая Бағдод" фермер ҳўжалигида парранда парваришлаш йўлига қўйилган. Бу ерда ҳар ойда 26 тоннадан ортиқ парҳезбоп ғўшт етиштирилмоқда.

Жараён

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан Сўх туманида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда тизимда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Сўхта ичимлик суви таъминоти яхшиланмоқда

Хозирга қадар ҳудудларда 4 километрдан зиёд ичимлик суви тармоқлари тортилди. Ҳозирда янги суи тармоқларини мавжуд суи тармоғига улаш ва объектларда қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. «Чумоқча» маҳалласида янги таъмирланган тик қудуқ ишга туширилди. Ҳўшёр маҳалласида ҳам суи тартиш насоси қурилмаси янги замонавий дастаҳқа алмаштирилди, эндиликда оби ҳаётдан 300 та хонадон фойдаланиш баҳтига муассар бўлди. Шунингдек, 13 ва 14-сонли мактаб ва маҳаллада жойлашган туман юқумли касалликлар шифохонаси ичимлик суви билан таъминланди.

Зангат маҳалласида янги тик сўғориш қудуғи қурилиши охирига етказилиб,

Эълон ва Билдирувлар

Фермер бўлмоқчимисиз...

Қува тумани ҳокимининг 2019 йил 12 сентябрдаги 4202-сонли қарори билан туман захирасида турган "Аҳмад ал-Фарғоний" ММТП ҳудудидаги 49к-контурдаги жами ер майдони 4,2 гектар, шундан 4,2 гектар бонни янги фермер ҳўжалиги ташкил қилиш еки мавжуд фермер ҳўжалиқлари ҳисобига бириктириб олиш бўйича тендер танлови ўтказилиши **МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

Тошлоқ тумани 1-ўрта таълим мактабининг 2008 йилда тамомланган Хусайнова Гулбодомдон Баҳодир кизи номига берилган О'Р-ШН 3020446 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фаргона вилояти юридик коллежи (собиқ Фаргона шаҳар ҳуқуқшунослик коллежи)ни 2019 йилда тамомланган Шарипова Дунёраҳон Ҳаётилло кизи номига берилган К 5651332 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

М. СУЛАЙМОНОВ.

Жараён

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан Сўх туманида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда тизимда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Сўхта ичимлик суви таъминоти яхшиланмоқда

Хозирга қадар ҳудудларда 4 километрдан зиёд ичимлик суви тармоқлари тортилди. Ҳозирда янги суи тармоқларини мавжуд суи тармоғига улаш ва объектларда қурилиш-монтаж ишлари олиб бориляпти. «Чумоқча» маҳалласида янги таъмирланган тик қудуқ ишга туширилди. Ҳўшёр маҳалласида ҳам суи тартиш насоси қурилмаси янги замонавий дастаҳқа алмаштирилди, эндиликда оби ҳаётдан 300 та хонадон фойдаланиш баҳтига муассар бўлди. Шунингдек, 13 ва 14-сонли мактаб ва маҳаллада жойлашган туман юқумли касалликлар шифохонаси ичимлик суви билан таъминланди.

Зангат маҳалласида янги тик сўғориш қудуғи қурилиши охирига етказилиб,



Хусусий БОҒЧАЛАР ИШ БОШЛАДИ

карантин талаблари эса қатъий амалда

Фарғона шаҳридаги давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган "Happy kids academy" болалар боғчаси яна ўз фаолиятини бошлади.

Вилоят коронавирусга қарши курашиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш штаби қарори асосида вилоятимиз ҳудудидида жорий йилнинг 3 августидан бошлаб хусусий мактабга-ча таълим ташкилотлари фаолиятга рухсат берилди. Бунда карантин талабларига тўлиқ риоя этилиши муҳим шарт ҳисобланади. Шунга мувофиқ, янги, замонавий ва кўркам бинода фаолият юритиб келаётган болалар боғчаси яна қайтадан эшикларини очди.

Шу куни боғча тарбияланувчилари учун вилоят ҳокимининг озиқ-овқат маҳсулотлари, болалар кийимлари, тиббий никоб ва кўлқоплар, антисептик воситалардан иборат совғалари тақдим қилинди.

— Вилоятимизда 824 та хусусий ва давлат шерикчилик асосидаги мактабга-ча таълим ташкилотлари мавжуд бўлса, уларнинг карантин талаблари асосида қайтадан иш бошлаши эртаммиз эгалари учун қувончли хабар бўлди, — дейди вилоят мактабга-ча таълим бошқармаси бошлиғи Юлдуз Хўжаева. — Қиймати 5,5 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этган "Happy kids academy" лойиҳаси ҳам ҳудуддаги мактабга-ча таълим тизимининг истиқболли қадамларидан бири. Мактабга-ча таълим ташкилотининг 35 нафар педагог ва тарбиячилари ҳар томонлама самарали фаолият олиб бориш, янги авлод келажаги учун хизмат қилишга бел боғлашган.



— Мактабга-ча таълим ташкилотимиз болажонларимизни қайтадан қабул қилишга ҳар томонлама тайёр. Замонавий ва қулай хоналар, кўркам ўйингоҳлар, ўқув куроллари, тажрибали ва боласевар тарбиячиларимиз жажжи ўғил-қизларимизни орзиқиб қутушаётган экан, — дейди мудира Татьяна Гришко. — Таълим ташкилотимиз 8 гуруҳли 160 ўринга мўлжалланган. Карантин талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда 15 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳларда 105 нафар тарбияланувчиларни қабул қилдик.

Шу куни боғчанинг Нозанин Назирова, Сетора Айтматова, Бобуржон Муродов сингари тарбияланувчилари дезинфекцион тонелдан, дезинфекцион "тўшак"дан ўтдилар. Тиббий никоблари янгиланиб, кўллари антисептик воситалар билан тозаланган, тана ҳарорати меъёрида эканлиги тасдиқланган болажонларни тарбиячилар қутиб олишди. Эндиликда кичкинтойлар ҳар куни ана шу тахлит жонажон боғчаларига кириб боришади.

— Болажонларимизга вилоят ҳокимлиги томонидан тақдим қилинган совғалар айни муддао бўлди, — дейди мактабга-ча таълим ташкилоти директори Нилуфар Атабаева. — Тиббий никоб ва кўлқоплар, антисептик воситалар барча ходимларимиз ва ўғил-қизларимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, карантин талаблари асосида меҳнат қилишимизга кўмак беради.

Эндиликда санитария-эпидемиологик талабларга риоя этиб, тиббий тайёргарлик ва шартларни адо этган барча хусусий мактабга-ча таълим муассасаларининг эшиклари болажонлар учун очилди. Карантин талаблари эса қатъий амалда бўлади.

Дилнавоз Қўлдошева,
"Фарғона ҳақиқати" мухбири,
Шерзод ҚОРАБОВ
олган суратлар.

Президент ташрифидан сўнг...



ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНАЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

оилалар даромади ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим мезони



Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилотидаги давлатимизнинг фаровонлигини оширишнинг муҳим мезони бўлиб келган фаровонлигини юксалтириш, бунинг учун тижрат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратишни янада кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Хусусан, шахсий томорқа ер эгалари ҳамда деҳқон хўжалиқларининг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли савъ-ҳаракатларни амалга ошириш режалаштирилди.

Бу борада аҳолининг даромад манбаи ва турмуш фаровонлигини юксалтириш, бунинг учун тижрат банклари асосида кредитлар ажратишни янада кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Хусусан, шахсий томорқа ер эгалари ҳамда деҳқон хўжалиқларининг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли савъ-ҳаракатларни амалга ошириш режалаштирилди.

Президентимизнинг жорий йил 5-6 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида тадбиркорлик, саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиғи соҳаларини замонавий мезонлар асосида ривожлантириш борасида устувор вазифалар белгиланди.

Бу борада аҳолининг даромад манбаи ва турмуш фаровонлигини юксалтириш, бунинг учун тижрат банклари асосида кредитлар ажратишни янада кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Хусусан, шахсий томорқа ер эгалари ҳамда деҳқон хўжалиқларининг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли савъ-ҳаракатларни амалга ошириш режалаштирилди.

Фарғона вилотидаги давлатимизнинг фаровонлигини оширишнинг муҳим мезони бўлиб келган фаровонлигини юксалтириш, бунинг учун тижрат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида кредитлар ажратишни янада кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Хусусан, шахсий томорқа ер эгалари ҳамда деҳқон хўжалиқларининг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли савъ-ҳаракатларни амалга ошириш режалаштирилди.

Президентимизнинг жорий йил 5-6 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида тадбиркорлик, саноат, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиғи соҳаларини замонавий мезонлар асосида ривожлантириш борасида устувор вазифалар белгиланди.

Бу борада аҳолининг даромад манбаи ва турмуш фаровонлигини юксалтириш, бунинг учун тижрат банклари асосида кредитлар ажратишни янада кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Хусусан, шахсий томорқа ер эгалари ҳамда деҳқон хўжалиқларининг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли савъ-ҳаракатларни амалга ошириш режалаштирилди.



МУАССИС:
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти
www.fargona.uz

Бош муҳаррир:
Мухаммадjon ОБИДОВ

Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди.
2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета тахририятига юборилган кўлэзма ва суратлар қайтарилмайди.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди.
Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.

Босишга топшириш вақти: 19.00.
Топширилди: 18.50.

Буюртма: 509
Индекс: 7521
Адади: 3 942

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Сохибкирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.
Бош муҳаррир ўринбосари: (факс) 73-226-37-80.
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Сахифаловчи Алишер Розиков.

Тахририятга жавоб берадилар Зарур чоратадбирлар белгиланди

"Фарғона ҳақиқати" газетасининг 2020 йил 8 июлдаги 53-сонидида чоп этилган "Хотиржам бўлишга шошилман!" сарлавхали мақолада Кувасой шаҳрида коронавирус инфекциясининг олдини олиш борасидаги айрим камчиликлар ҳамда бир неча муассасаларда карантин талабларининг қўпол тарзда бузилаётгани танқид остига олинган эди. Мазкур ҳолатлар бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Кувасой шаҳар ҳокимлигидан жавоб хатлари келди.

Мақола вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Кувасой шаҳар тиббиёт бирлашмаси мутасадди раҳбарлари иштирокида ўрганилди. Унда жуда долзарб мавзу қаламга олинган. Бугунги кунда ҳар бир фуқаро карантин қоидаларига амал қилиши шарт. Бу борада, албатта, тиббиёт ходимлари аҳолига ўрнатилган бўлиши лозим. Билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб, Кувасой шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси ходимлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Келгусида муассаса ҳудудидида карантин талабларига қатъий риоя қилиниши юзасидан назорат кучайтирилди. Беморларни ижтимоий масофа сақлаган ҳолда, зарарсизлантириш жарағидан пухта ўтказиб, тана ҳарорати ўлчаниб, поликлиникага киритиш, уларнинг навбат қутушига ва тирбандликларга йўл қўймаслик борасида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, Кувасой шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникаси ходимлари томонидан аҳоли ўртасида карантин талаблари, шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш бўйича тарғибот ва профилактика ишлари олиб борилмоқда.

О.УМАРОВ,
Фарғона вилоти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи.

Келгусида камчиликларга йўл қўйилмайди

Мақола шаҳардаги дахлдор корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди. Унда шаҳарда коронавирус инфекцияси кичириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар самарадорлигини янада ошириш, Республика махсус комиссияси томонидан белгиланган тартиб асосида иш юритиши, шу билан бирга, фуқаролар саломатлигини сақлаш асосий вазифа этиб белгиланди. Келгусида мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликларга йўл қўймаслик чораларини кўриш юзасидан шаҳар ҳокимлигининг тегишли топшириқ хати жойларга ижро учун юборилди.

А.МАМАЖОНОВ,
Кувасой шаҳар ҳокими ўринбосари.